Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти КУТУБХОНАСИ


# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 53 (9.245) 1999 йил 10 май, душанба ◆ Сотувда эркин нархда




*Ишончим комилки, Хотира ва Қадрлаш куни халқимизни янада бирлаштиради, унинг руҳига малҳам бўлади, иродасини бақувват, иймонини бутун қилади.*

**Ислом КАРИМОВ.**



Газетанинг шу сонига

# СЕН ДОИМО ҚАЛБИМДАСАН, ЖИГАРИМ!

***ХАЛҚИМИЗ «Хотира — қалб чироғи» деб бежиз айтмайди. Зеро, бугунги кунимизни орзу қилган фидойилар, иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларида бизнинг тинчлигимизни таъминлаш учун шаҳид кетганлар, қўйингки, дорулбақодан дорилфанога кўз юмган ота-оналаримиз, қариндош-уруғларимиз, қўни-қўшнию, дўст биродарларимиз пок хотиралари тириклар қалбини бамисли чироқдек ёритиб, ўтганларни эслашга, улар руҳи учун бизларни савоб ишлар қилишга ундайди, эзгулик сари чорлайди.***

***Ҳамюртларимиз мамлакатимиз президентининг кўпгина эзгу ишлар ташаббускори сифатида чиқишларининг гувоҳи бўлишган. Бинобарин, бундан икки йил муқаддам Биродарлик қабристонида фахрийлар билан учрашув чоғида Юртбошимиз томонидан Хотира майдонини бунёд этиш ғояси билдирилган эди. «Яхши ниятнинг қаноти бўлади», деганларидек, орадан кўп ўтмай ушбу хайрли ниятнинг ижобатини кўриб турибмиз.***

**КЕЧА** шаҳримиз маркази — Мустақиллик майдонида Хотира ва Қадрлаш куни умумхалқ байрамининг илк бор нишонланиш тантаналари Хотира ва Қадрлаш мажмуасининг очилиши билан уйғунлашиб, қўш байрамга айланиб кетди. Бу ерга республикамизнинг барча вилоятларидан уруш ва меҳнат фахрийлари, II жаҳон урушининг оловли дамларида мамлакат ичкарисида меҳнати билан ғалабани таъминлашга муносиб ҳисса қўшганлар, шаҳримизда фаолият кўрсатаётган хорижий мамлакатларнинг дипломатик корпуси вакиллари тўпланишди.

Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов тантаналарни очди. Давлат мадҳияси янграйди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон халқини, барча фахрийларни табрикладилар.

— Ассалому алайкум қадрли уруш ва меҳнат фахрийлари, — дедилар жумладан юртбошимиз йиғилганларни қутлар эканлар. — Барчангизни ушбу қутлуғ сана билан чин кўнгилдан табриклайман...

Пировардида Юртбошимиз: шу пайтгача номаълум аскар хотирлаб келинди, инсон жонини фидо этсаю у номаълумлигича қолиб кетаверса, дея таъкидладилар. Ахир унинг номи ота-онаси, қариндош-уруғлари хотирасида мангу яшайди. Хотира деганда ўтганларни эслаш, уларнинг чироғини ёқиб, эзгу ишларини давом эттиришни тушунамиз. Хотираси йўқ миллатнинг истиқболи ҳам бўлмайди. Қадрлаш эса асрлар давомида ҳаётнинг кўп синовлари, азоб-уқубатларини бошидан кечирган, ҳаётимиз учун жон олиб жон берган ота-оналаримизни эъзозлашдир.

Хотира теран маънога эга бўлиб, фақат фашизмга қарши курашган кишиларни эмас, ҳурриятимиз ва озодлигимиз йўлида жонини тиккан Тўмарис, Широқ, Спитамен, Нажмиддин Кубро, Намоз ботир каби халқ қаҳрамонлари, Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Авлоний, Усмон Носир каби миллат фидойиларини эслаш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир...









Инсон боласини аввало она дунёга келтиради. Дунёда неки олижаноб туйғулар мавжуд бўлса, бари она меҳридандир. Биз меҳр-муҳаббат, садоқат ва фидойиликни мунис оналаримиздан оламиз.

Мотамсаро онанинг маҳзун қиёфаси ҳар биримизни ҳушёрликка чорлайди.

Сўнг мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамроҳлигида Хотира майдонининг марказида ёдгорлик мажмуасидаги барча ноёб санъат намуналарига уйғун равишда қад ростлаган, фарзандлари доғида қадди дол бўлган мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар.

Президентимиз ҳар бир вилоят учун қад ростлаган айвонда «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлимларининг вакиллари билан учрашиб, II жаҳон уруши жанггоҳларида вилоятлардан фронтга жўнаган мард ўғлонлар, хусусан ҳозирги кунда кексалик гаштини сураётган уруш фахрийларини эъзозлаш учун жойларда қилинаётган ишлар билан қизиқдилар. Бундай мажмуаларни юртимизнинг ҳар бир вилоятида бунёд этиш лозимлиги таклифини билдириб, бу ерда самарали меҳнат қилган барча қурувчи ва усталар, меъмору муҳандисларга самимий миннатдорчилик изҳор қилиб, ҳамма усталар номини шу ерга зикр этиш лозимлигини таъкидладилар.

Дарҳақиқат, Мустақиллигимиз меваси бўлмиш улуғ ва бетакрор кошоналардан бири — Хотира ва Қадрлаш мажмуаси билан танишар эканмиз, қалбимизда фахр ва ифтихор туйғулари жўш уради. Бу ерда ҳар бир вилоят учун мўлжалланган 28 та кошинли, 42 та устунли хотира пештоқлари, айвонларда II жаҳон урушида шаҳид бўлган 423 нафар юртдошларимизнинг номлари зарҳал ҳарфлар билан битилган. Республика «Усто» махсус илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининаг қўли гул усталари, республика ҳайкалтарошлик комбинати усталари, республикамизнинг барча вилоятларидан ташриф буюрган 250 га яқин энг маҳоратли ҳунармандлар устакорлик санъатининг гўзал анъаналарини ўзида жамлаган бетакрор ва улуғвор мажмуани бунёд этдилар.

Хотира ва Қадрлаш майдони мустақиллик даврида инсон хотираси ва қадри юксак қадриятларга айланганининг ёрқин тимсоли, мустақиллик тафаккурининг яна бир карра юксак намоён бўлишидир.

Хотира ва Қадрлаш майдонининг очилиш тантаналарида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов, республика Бош вазири Ўткир Султонов, Президентнинг давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари ва бошқа расмий кишилар иштирок этишди.

*Дилшод ИСРОИЛОВ.*

*СУРАТЛАРДА: Хотира ва Қадрлаш майдонининг очилиш тантаналаридан лавҳалар.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

# МУШТАРАК МАҚСАДЛАР МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

7—8 май куни Болгария Президенти Петар Стоянов расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди.

Шу куни шаҳар ташқарисидаги Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан Болгария Президенти Петар Стояновнинг яккама-якка учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда халқаро ҳаётдаги долзарб воқеалар, икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи, ўзаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш учун амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар ва бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Президентларнинг ўзаро мулоқоти ниҳоясига етгач, икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бошланди. Музокараларда асосий эътибор икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш масаласига қаратилди.

Икки давлат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик ҳақида гапирганда, аввало, коммуникация ва транзит масаласига тўхталиш керак бўлади. Бу борада асосий дастур ТРАСЕКА лойиҳаси ҳисобланади. Шарқ ва Ғарбни бир-бирига туташтирадиган мазкур транспорт йўлагини тўла қувватда ишга тушириш учун у ўтадиган мамлакатлар ўртасида ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш зарур бўлади. Негаки мазкур йўлак бу йўналишдаги барча давлатларга бирдек фойда келтиради. Хусусан, биз нафақат Болгария, балки Европа бозорига чиқишимиз учун ҳам Болгариянинг Варна шаҳри портларидан фойдаланишимиз мумкин. Болгария эса Ўзбекистон орқали нафақат Марказий Осиё, балки бутун Осиё бозорига чиқиши мумкин. Айни мавзуда гап кетганда шуни айтиш кераки, бугунги кунда Грузиянинг Поти порти билан Болгариянинг Варна порти ўртасида алоқа йўлга қўйилгани ТРАСЕКА лойиҳасини ҳаётга татбиқ этишдаги муҳим ишлардан бири бўлди. Дарвоқе, ТРАСЕКА ҳақида гапирганда мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов ўтган йили Болгарияга расмий ташрифи чоғида айтган бир гапини эслаш ўринли. Ўшанда давлатимиз раҳбари ТРАСЕКА коридори хаёлот эмас, деган эди.

Президентимиз ТРАСЕКА лойиҳасини амалга оширишда бир муҳим масалага тўхталиб ўтди. Бу божхона ва солиқ йиғимлари билан боғлиқ. Агар мазкур йўналишдаги ҳар бир давлат ўз қоидаларини илгари сураверадиган бўлса, бу борада ҳеч қандай ривожланиш бўлмайди, деди жумладан Ислом Каримов. Шунинг учун бу йўналишда жойлашган мамлакатлар давлат раҳбарларининг учрашувини ўтказиб, божхона ва солиқ, шунингдек бошқа ҳисоб-китоблар бўйича тарифлар юзасидан бир тўхтамга келиб олиш зарурати юзага чиқаяпти.

Музокараларда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик мавжуд имконият даражасида кечмаётгани алоҳида таъкидлаб ўтилди. Биргина мисол, ўтган йили Ўзбекистон билан Болгария ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 13 миллион АҚШ долларини ташкил этган. Бу икки мамлакатнинг имкониятларини ҳисоб-китоб қилганда, кам кўрсаткичдир.

Музокараларда Болгария томони Марказий Осиёда биринчи бўлиб Тошкентда ўз элчихонасини очажагини маълум қилди. Шунингдек, яқин келажакда Софияда Ўзбекистон элчихонасини ҳам очиш режалаштирилаётгани айтилди. Яна бир гапни айтиб ўтиш керакки, музокаралар чоғида ўзбекистонлик болаларни Қора денгиз соҳилидаги дам олиш масканларига жўнатиш борасида муайн келишувга эришилгани ҳам муҳим иш бўлди.

Мулоқот чоғида шунингдек, икки мамлакат ўртасидаги маданий алоқаларни, илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш борасида ҳам сўз борди.

Музокаралар ниҳоясида икки томонлама қўшма ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Ўзбекистон ва Болгария ҳукуматлари ўртасида белгиланган ҳудудлар ҳамда улардан ташқарида ўзаро ҳаво алоқасини йўлга қўйиш тўғрисида ҳамда жиноятчиликка қарши кураш бўйича ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси билан Болгария Республикаси ўртасида имзоланган дўстона муносабатлар ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ратификацияланганi ҳақида ёрлиқлар алмашиш тўғрисидаги протоколга ҳам имзо чекилди.

Шундан сўнг Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди. Учрашувда икки давлат раҳбарлари ўзаро суҳбат чоғида, шунингдек, делегациялар музокаралари давомида муҳокама этилган масалалар юзасидан якдилликка эришилганини маълум қилди.

Президентлар журналистларни қизиқтирган бошқа саволларга ҳам жавоб қайтардилар.

* * *

Ташрифнинг иккинчи куни Болгария Президенти П. Стоянов рафиқаси билан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида Самарқандда бўлиб, унинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирди. Шу билан Болгария Президентининг Ўзбекистонга ташрифи ниҳоясига етди. Шу куни П. Стоянов Самарқанддан ватанига жўнаб кетди.

*(ЎзА).*

Теннис

# «ҲАВАС» КОРТГА ЧОРЛАЙДИ

***Юртбошимиз Ислом Каримов «Саломатлик ҳақида қайғуриш маданиятини шакллантириш учун ёшликдан жисмоний тарбия ва спортга соғлиқни сақлаш тизими, мактаб ва оила доирасидаги кучлар кўмагида кўникма ҳосил қилиб бориш зарур. Бунда одамларни ўз соғлиқлари ҳақида қайғуришни миллий бойликни қадрлашнинг сўздаги эмас, амалдаги ҳосиласи эканлигига ўргатиш мумкиндир», деган эдилар.***

7 ёшдан 70 ёшгача бўлганлар шуғулланиши мумкин бўлган қулай ва ҳаммабоп спорт тури — теннис бунга тўла имкон ярата олади. Шаҳримизнинг барча туманларида аҳолини спортга ошно этиш мақсадида бирин-кетин қад ростлаётган теннис кортлари, раҳбарлик тизимлари ўртасида ташкил этилаётган анъанавий «Ҳавас» мусобақалари ҳам бу борада муҳим омилдир.

7-8 май кунлари шаҳримиздаги «Динамо» теннис кортларида ҳокимлар, вазирлар, корпорация, концерн, компания, фирма, бирлашма ва бошқармалар раҳбарлари иштирокида тўртинчи анъанавий «Ҳавас» мусобақалари бўлиб ўтди. Бу галги мусобақалар 40 та жуфтлик ўртасида 10 та гуруҳларда давра шаклида ўтказилди. Дастлаб Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбар ходимлари ўртасида ўтказилган мусобақаларнинг ғолиблари бўлмиш 15 та жуфтлик, республика вазирликлари, идора, корпорациялари, концернлар, уюшмалар раҳбарларидан тузилган 25 жуфтликлараро саралаш турнири ўтказилди. Ушбу гуруҳларнинг ғолиблари эса 8 май куни ўтказиладиган финал баҳсларига йўлланма олишди. Ушбу турнирнинг ўзига хос томони шунда бўлдики, бу гал республика Вазирлар Маҳкамасининг ходими Г. Саидова иштирокида аёллар жуфтлиги ҳам беллашувларда қатнашди.

Беллашувларни кузатар эканмиз раҳбар ходимларнинг спорт бобидаги маҳорат даражалари сезиларли даражада ўсганлигининг шоҳиди бўлдик. Беллашувлар давомида чиройли комбинациялару аниқ зарбалар амалга оширилганида кўп сонли ишқибозларнинг шодон қийқириқларию, тинимсиз олқишлари тез-тез янграб турди.

Шундай қилиб, кескин ва муросасиз учрашувлардан сўнг энг кучли саккизта жуфтлик ҳал қилувчи чорак финал баҳсларига йўлланма олди. Улар орасида Г. Саидова ва С. Синицина жуфтлиги ҳам бор эди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ижроия маҳкамасидан эса шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари А. Миржалилов ҳамда «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмасининг етакчи мутахассиси Ю. Колесниченколар чорак финалда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Ушбу жуфтлик Э. Юсупов — Б. Бобожоновларни енгиб ярим финалга йўлланма олган бўлсада, мазкур босқичда Н. Усмонов ва О. Носировлардан мағлубиятга учрашди.

Г. Саидова — С. Синицина, И. Чиженок — Р. Сулаймонов жуфтликларини 6/2, 6/4 ҳисобида доғда қолдирган ҳолда Т. Жабборов ва В. Дербенев жуфтлиги финалга чиқди.

Шу тариқа бу галги «Ҳавас» мусобақалари финалида фақат Наманган вилояти вакиллари — Н. Усмонов — О. Носиров ҳамда Т. Жабборов ва В. Дербеневлар ўзаро куч синашишди. Қизиқарли баҳсда ўтган йилги финалчилар — Жабборов — Дербеневларга 6/1 ҳисобида омад кулиб боқди ва улар «Ҳавас» турнирининг бу йилги ғолиблари бўлишди.

Ғолиб ва қатнашчиларга бош совринлардан ташқари Матбуот нашрлари томонидан таъсис этилган махсус совғалар ҳам топширилди. Чунончи, ЎзА таъсис этган «Энг чаққон ўйинчига» соврини Наманган вилояти ҳокими Т. Жабборовга, «Халқ сўзи» газетаси ажратган «Энг маҳоратли теннисчига» соврини М. Усмонов («Наманганагромашсервис» бирлашмаси раиси), «Правда Востока»нинг «Турнир маликаси» соврини Г. Саидовага, «Теннис+» газетаси таъсис этган «Тараққиёт» соврини Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари А. Миржалиловга насиб этди.

*Дилшод ИСМОИЛ.*



# ДАВР САДОСИ

«Тошкент оқшоми»

*Барча манбалардан олинган сўнгги ахборотлар*

## МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Болгария Президенти Петар Стояновнинг рафиқаси А. Стоянова Ўзбекистон Президентининг рафиқаси Т. Каримова ҳамроҳлигида 7 май куни пойтахтимиздаги Бадиий академиянинг марказий кўргазмалар залига ташриф буюрди.

◆ Самарқанд вилоятида «Маҳалла куни» ўтказилди.

◆ **Кеча** Ўзбекистонда Хотира ва Қадрлаш куни нишонланди.

◆ **Кеча** «Тошкент трактор заводи» давлат акционерлик жамиятининг ишчи ва ветеранлари завод ҳудудидаги жанг майдонларида ҳалок бўлган тракторсозларнинг номлари битилган ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйдилар.

◆ **Кеча** Қуролли Кучлар Марказий музейида жангчилар ва мамлакат ичкарисини тиклашда қатнашган ветеранлар билан учрашув бўлиб ўтди.

◆ Термиз давлат университетида Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

◆ **Эртага** Тошкентда «Музика ва кино» мавзуида француз кинофестивали очилади.

◆ Шу йилнинг 18 майидан бошлаб «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Тошкент — Андижон — Омск — Андижон — Тошкент йўналиши бўйича мунтазам қатновларни бошлайди.

◆ **Эртага** Успенский номли ихтисослашган музиқа мактаб-интернатида ўтаётган «Болалар санъати» халқаро кўргазмаси ниҳоясига етади.

## ЖАҲОНДА

◆ **Эртага** Нью-Йоркда Марказий Осиёнинг ядро қуролидан ҳоли зона қилиш масалалари билан шуғулланувчи тайёрлов комитетининг сессияси очилади.

◆ Белоруссия Президенти А. Лукашенко Волгоград вилоятида бўлди.

◆ Пайшанба куни кечқурун дараксиз йўқолган Тожикистоннинг «МИ-8» вертолётининг қолдиқлари шанба куни Душанбедан 40 километр узоқликдаги тоғли зонадан топилди. Экипаж аъзоларининг тақдири ҳозирча номаълум.

◆ Жанубий ва Шимолий Корея касаба уюшмалари ишчи командаларининг футбол учрашувини 10 августда Пхеньянда ўтказишга келишиб олдилар.

◆ Европа парламенти депутатлари Европа комиссияси раиси лавозимига италиялик Романо Проди номзодини тасдиқлади.

◆ Мадридда «Ўрта Ер денгизи: минтақада ҳамкорлик ва хавфсизлик муаммолари» деб номланган халқаро семинар бўлиб ўтди.

◆ Жаҳон банки Хитойнинг соғлиқни сақлаш дастурини молиялаштириш режасини қўллаб-қувватлаш мақсадида бу мамлакатга икки йўналишда кредит беришга қарор қилди. Улар 10 миллион ва 50 миллион АҚШ долларидан иборат.

◆ Эрон жанубида 6—7 балли куч билан ер қимирлади. Дастлабки маълумотларга кўра табиий офат натижасида 5 киши ҳалок бўлган, 50 дан ортиқ киши эса тан жароҳати олган.

◆ **Кеча** жуда кўплаб мамлакатларда 9 Май байрамига бағишланган тантаналар нишонланди.

